

# Жорий йилнинг 28 апрел куни Республика Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Озода Парпибоева Узун туманига ташриф буюрди



Республика Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Озода Парпибоева, вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зулхумор Хидирова, туман ҳокимининг биринчи

Ўринбосари Б.Хасанов, туман ҳокимининг ўринбосари – туман Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Саломат Гулбоевалар хотин-қизлар фаолларининг ўқув семинар машғулотида чиқишиб, Янги рўзғор маҳалласи Турсунали Хасанов кўчасида истиқомат қилувчи Лолахон Эрматова хонадонига ташриф буюришди. Хонадонга кирганингиздан гулларнинг муаттар ифори димоққа урилади. Гўзалликдан ҳайратга тушасиз. Деярли, 2 сотихлик иссиқхонада ноёб гул турлари, митти тувакчаларда экилган гуллар инсон баҳри дилини қувонтиради. Атрофга назар ташлаб, бир дона гулнинг илдиз отиб, авж олиши учун қанча машаққатли меҳнат талаб этишини ҳис қиласиз. Гул бор жойда озодлик, илиқлик, меҳр-оқибат, қувончу шодлик, барака ҳукм суради. Уни етиштириш ҳадисини олган Лолахон опа одамлар қалбига қувонч улашиш билан бирга, рўзғорини ҳам обод этмоқда.



Республика Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Озода Парпиеваннинг –“Сиз ўзингиз нуроний онахон экансиз, нозик ниҳоллар билан ишлаш сизни чарчатмайдими? деб берган саволига жавобан: – Инсон қандай касб билан шуғулланмасин, унга меҳр бермаса, шу ишни севмаса, ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмайди, – дейди тадбиркор опа. – Гуллар билан тиллашаман, ҳар куни эрталаб улар билан саломлашаман, бу соҳанинг сир-асрорларини яхши биламан. Гул ҳам меҳримни, ширин сўзимни ҳис қилиб, яшнаётгандек туюлади. Гулхонага кирсам, барча ташвишларим унут бўлиб, бир

зумда қалбим равшан тортади, чарчоқларим ёзилади. Энг муҳими, келиним билан етиштираётган гулларимиз минглаб хонадонларга хурсандчилик олиб кирмоқда, байрамларда аёлларимизнинг гулдек нозик кўнглини тоғдай кўтармоқда. Озми-кўпми, гўзалликка ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман. Гулчилик - санъат, шу билан бирга, даромад манбаи ҳам деди Лолахон опа гул дўкони мисолида.





Ҳаётининг мазмунини гул етиштириш, гўзаллик яратиш, инсонларга эзгулик улашиш деб билган Лола Эрматова каби гўзалликка ошно инсонлар меҳнати, фидокорлиги билан юртимиз янада обод ва кўркем бўлиб бораверади.



Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 июнь куни “Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан қўлда гилам тўқиш билан шуғулланувчилар 3 нафардан кам бўлмаган иш ўрни яратиб, гилам ва ипак мато тўқиш дастгоҳини харид қилишлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида субсидиялар ажратилиши назарда тутилган эди. Ушбу субсидия асосида Узун тумани “Қарашиқ” маҳалласига Гилам тўқиш услулари олиб келинди ҳамда жойлаштирилди. Мақсад, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган жундан қўлда гилам тўқиш соҳасини ривожлантириш ушбу ноёб санъат асарини бозор талабларига уйғунлаштириш, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни мазкур соҳага кенг жалб этиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришдир. Ҳозирги кунда хотин-қизлар гиламчилик соҳаси бўйича ўқитилмоқда.



Умуман, Президентимизнинг ушбу қарори республикамизнинг барча маҳаллаларида қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантиришда аҳамияти беқиёс.

